

**ЎЗР ФА ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC29.08.2017.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

АЗИМОВ АБДУЛАХАТ АБДУЖАББОРОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ ИНТРОГРЕССИВ ТИЗМАЛАРИНИ БИОТИК СТРЕССЛАРГА
ТОЛЕРАНТЛИГИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА НАВЛАР ЯРАТИШ**

03.00.09 – Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УЎТ: 633.511:575.22.2.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Азимов Абдулахат Абдужабборович

Взанинг интродюссив тизмаларини биотик стрессларга толерантлигини ўрганиш
асосида навлар яратиш.....3

Азимов Абдулахат Абдужабборович

Создание сортов на основе исследования толерантности к биотическим стрессам
интродюссивных линий хлопчатника29

Azimov Abdullakhad Abdujabborovich

Creation of varieties based on research of tolerance to biotic stresses of introgressive cotton
lines.....55

**ЎЗР ФА ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc29.08.2017.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

АЗИМОВ АБДУЛАХАТ АБДУЖАББОРОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ ИНТРОГРЕССИВ ТИЗМАЛАРИНИ БИОТИК
СТРЕССЛАРГА ТОЛЕРАНТЛИГИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА
НАВЛАР ЯРАТИШ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.(DSc)/В89 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация диссертацияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Нариманов Абдужалил Абдусаматович

кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ризаева Сафия Мамедовна

биология фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Алишер Абдумавланович

биология фанлари доктори, профессор

Рашидова Дилбар Каримовна

кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Аграр Университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc 29.08.2017.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz.)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, к/х.ф.д. профессор

С.К.Бабоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д. профессор

М.Ф.Абзалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертацияни мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда дунёда етиштирилаётган пахта толасининг 90 фоизи маданий *G.hirsutum* L. турига тўғри келади. Серҳосил, тезпишар, сифатли тола чиқими юқори бўлган навларни яратиш ва уларни кенг ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ғўза селекциясининг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Замонавий навларнинг генетик манъбалари ушбу муаммони хал этиш учун етарли бўлмай қолди. Етиштирилаётган ғўза навларининг генетик асосларини яхшилаш манъбаларидан бири бўлиб, ёввойи полиплоид турлар, рудерал шакллар, шунингдек келиб чиқиши узоқ бўлган синтетик интрогрессив шакллар генофонди ҳисобланади. Бу йўналишдаги илмий тадқиқотларда ўзида тезпишарлик, ҳосилдорлик, юқори тола сифати ва миқдорини, шунингдек асосий касалликлар ва зараркунандаларга чидамлиликини мужассамлаштирган янги навларни яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон генетика-селекция амалиётида атроф муҳитнинг ноқулай омилларига қарши курашнинг энг истиқболли элементларидан бири бўлган касаллик ва зараркунандаларга чидамlilik генини ташувчи ёввойи турларни жалб қилиш орқали янги генетик асосга эга бўлган ғўза навларини яратиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг татбиқ қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу каби ишларнинг ўтказилишига зарурият шу билан изоҳланадики, юқори ҳосилдорлик ва сифатга қаратилган узоқ муддатли селекция жараёнида маданий ўсимликларда биотик (касаллик ва зараркунандалар) ва абиотик (хар хил ташқи муҳит) омилларига чидамlilik белгисини назорат қилувчи генлар ёввойи аجدодларга нисбатан камайиб кетишига олиб келди. Чидамlilik селекциясининг замонавий стратегияси интрогрессив дурагайлаш - турлараро дурагайлаш ва кейинги дурагайларни ота-она турларидан бири билан қайта дурагайлаш (беккросс) орқали генларни турдан турга ўтказишни тақозо этади.

Республикамизда ғўзанинг турли маданий навларини интрогрессив линиялар билан чатиштириб биотик стрессларга чидамли навларини яратиш, интрогрессив линияларнинг вилтга ва зараркунандаларга чидамliliги бўйича скрининг ўзқазиш, ота-она шаклларни танлаш ва уларнинг комбинацион қобилиятини аниқлаш, тола сифати жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган навларни яратишга алоҳида эътибор берилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... қишлоқ хўжалик экинларининг маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда селекция дастурларига қимматли хўжалик белгиларига эга янги донорларни жалб этиш йўли билан ғўзанинг ўрта толали навларида вертициллез вилт ва зараркунанда ҳашоротларга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

чидамли навларни яратишдаёввойи диплоид тури иштирокида олинган интрогрессив ғўза шаклларида дурагайлаш жараёнида фойдаланиш ғўзанинг ўрта толалитурининг генетик асосини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги “2019 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта хом ашёсини етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 1037-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Ўзанинг ёввойи диплоид турлари *G.bickii*, *G.anomalum*, *G.sturtianum*, *G.raimondii*, *G.gossypoides*, *G.trilobum*, *G.thurberi*, *G.armorianum* ва бошқалар иштирокида узок дурагайлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Centre for Plant Biodiversity Research, CSIRO Plant Industry Canberra (Австралия), Department of Agronomy University of Arkansas, Department of Botany Iowa State University (США), Central Institute for cotton research (Индия), Institute of Genetics Chinese Academy of Sciences, Shaanxi Academy Agricultural Science (Китай), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (Ўзбекистон).

Ўзанинг ёввойи авлодлари иштирокида олинган интрогрессив шакллардан фойдаланиш, касаллик ва зараркундаларга чидамли навлар яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: *G.arboreum*, *G.herbaceum*, *G.anomalum*, *G.thurberi* диплоид турлари, шунингдек ёввойи холда ўсувчи полиплоид *G.tomentosum* турининг фойдали генларини маданий *G.hirsutum* тури геномигаўтказиш натижасида вилтгачидамли, йирик кўсақли, узун толали тижорат дурагайларининг авлодбошиси бўлган рекомбинантлар яратилган (Central Institute for cotton Research, Nagpur ва бошқалар); ғўзанинг маданий ва ёввойи турларни частиштиришдан кўп миқдордаги *Gossypium* туркумининг муртак плазмалари ресурслари олинган (Institute of Genetics Chinese Academy of Sciences, Shaanxi Academy Agricultural Science (Китай); вертициллез вилт ва сўрувчи зараркундаларга нисбатан чидамли ғўза тизмалари ва навлари яратилган

²Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.arc.sci.eg>, <http://www.ipaperu.org>, <http://www.ccrim.org.pk>, <http://www.njau.edu.cn>, www.ars.usda.gov, iar.abu.edu.ng, <http://www.cicr.org.in>, <http://www.ccris.org>, igebr@academy.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон).

Жаҳонда ғўзанинг вилт касалликлари ва зараракунандаларга чидамли навларини яратиш, ёввойи тур вакилларининг қимматли хўжалик белгиларини маданий тур намуналарига ўтказиш, улар орасида фойдали белгиларнинг янги потенциал манбаларини ажратиш ва селекция дастурларида фойдаланиш бўйича, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: ғўзанинг узок турлари гермоплазмасини жалб этиш; уларни генетик потенциалини ўрганиш; қимматли белгиларнинг маълум генлари аллелларининг хилма-хиллигини ўз ичига олган интргрессив тизмалар яратиш; маҳаллий иқлим шароитларига мослашган серхосил, тола сифати юқори бўлган ғўза навларини олиш мақсадида селекциянинг самарали дастурларини ишлаб чиқиш учун янги маркерларни аниқлаш ва уларни фенотипик белгилар билан қиёслаш; молекуляр маркерлар ёрдамида интргрессив линияларни белгиси бўйича генлар ва геномларни ассоциатив карталаштириш; касалликларга чидамли, қимматли хўжалик белгилари ва хусусиятлари мажмуига эга бўлган навлар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг вилтга чидамлилик масалаларига генетик чидамлилик бўйича бир бирига қарама-қарши фикрларга эга бўлган кўпгина ишлар бағишланган. С.М.Мирахмедов ва бошқалар *G.hirsutum* L. турининг ёввойи *spp. mexicanum* (Tod). *var. nervosum* (Watt) Mauer шакли билан ушбу турнинг чидамсиз, ўртача чидамли ва чидамли навларини чатиштиришдан олинган экологик узок ғўза дурагайларида вилтга чидамлиликни ирсийланиш характерини ўрганиб, F₁ да вилтга чидамлилик бўйича бир хилликни, F₂ да эса назарий кутилган 3:1 нисбатда, 3 қисм чидамли ва 1 қисм чидамсиз моноген ажралиш кетишини таъкидлашган. Вилтга чидамлилик бўйича худди шундай нисбатни R.William ҳам олган. Д.В.Тер-Аванесян тадқиқотларида вилтга чидамли *G.barbadense* L. тури ва *G.hirsutum* L. турининг чидамсиз шаклларини чатиштириб, вилтга чидамлилик белгиси моноген характерда ирсийланишини қайд этган.

Узок туричи ва турлараро дурагайлашда ғўзада вилтга чидамлилик белгисини ирсийланиши хақида олинган маълумотлар А.А.Абдуллаев, С.М.Ризаева, О.Н.Лазарева; С.С.Алиходжаева; А.Б.Амантурдиев; Х.Бабамуратов, К.Ф.Гессос, Л.Г.Арутюнова; P.Kammaeber, C.Paisson ишларида келтирилган. Н.Г.Симонгулян фикрига кўра вертициллез сўлишга чидамлилик бир нечта аддитив таъсирга эга генлар томонидан назорат қилинади. Шу билан бирга муаллиф белгининг полимерлиги юқори эмаслиги, чунки юқори полимер белгиларни назорат қилувчи генлар одатда бириккан холда ўтказилишини кўрсатиб ўтган.

Интрогрессив дурагайлашдан фойдаланиш вертициллез вилтга чидамли кимматбаҳо бошланғич ашё яратиш ва вилтга чидамли бўлган фойдали белгилар мажмуига эга потенциал донорларни ажратиб олишга имконият яратиши G.Griffing; A.Gustavson; N.P.Mehta; C.T.Patel; P.E.Reid томонидан

кайд этилган. Ш.Э.Намазов маълумотларига кўра вилтга чидамлилик ноаллель генларнинг ўзаро таъсирида назорат қилинади.

Ҳар хил хромосомали турлардан фойдаланган холда турлараро узок дурагайлар олиш истиқболдаги иш сифатида аҳамиятга эга. Бу оригинал, иммунологик жиҳатдан жуда қимматли ғўза шакллари бериши мумкин.

Шундай қилиб, вилтга чидамлилик белгисини ирсийланиш характери тўғрисида яқдил фикрлар йўқ, шунинг учун турли инфекцион фонларда селекция жараёнларига турли ботаник келиб чиқишга эга ёввойи, рудерал ва маданий шаклларни жалб этган холда ушбу белгини ўрганишни давом эттириш ғўза селекциясида маълум даражада назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-268 «Селекционно-семеноводческая доработка и внедрение в сельскохозяйственное производство урожайного, с хорошим качеством волокна, высокоустойчивого к болезням и энтомовам вредителями нового сорта хлопчатника «Богдад» (2006-2008); А-Т023 «Создание новых устойчивых к вертициллёзному вилту, водному дефициту, высокоурожайных, скороспелых, с хорошими технологическими свойствами волокна, сортов хлопчатника на основе перспективных интрогрессивных амфидиплоидных линий, полученных с участием диких диплоидных видов *G.trilobum* skovsted, *G.thurberi* Tod. и проведение первичной семеноводческой доработки сорта «Фаровон» (2012-2014); «Создание и доработка новых скороспелых, высокопродуктивных, толерантных к болезням и другим факторам внешней среды, сортов хлопчатника с комплексом хозяйственно-ценных признаков» (2016-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интрогрессив тизмалар иштирокида олинган дурагай популяциялар авлодида вилтга чидамлилик белгисини ирсийланиш ва авлоддан-авлодга берилиш характерини тавсифлаш, шунингдек касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги ғўза навларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интрогрессив шакллар ва экилиб келинаётган навлар иштирокида олинган F_1 - F_3 дурагайларида қимматли хўжалик белгиларини ирсийланиш ва ўзгарувчанлик характерини аниқлаш;

маҳсулдорлик элементлари ва вилтга чидамлилик ўртасидаги корреляцион боғлиқликни очиқ бериш, популяцияларни селекцион қийматини аниқлаш;

белгиларни наслдан-наслга берилиши ва интрогрессив шаклларни селекция жараёнига жалб этиш натижасида популяцияларни шаклланишини исботлаш;

ғўзанинг ота-она шакллари ва реципрок F_1 дурагайларини зараркунандаларга (ғўза бити (шира), ўргимчаккана) чидамлилигини ва зарарланиш характерини аниқлаш;

генотиби бойитилган турғун тизмаларни ажратиб олиш ва улар асосида юқори ҳосилдорликка, тезпишарликка эга, вертициллез вилтга, зараркунандаларга чидамли бўлган ва қимматли хўжалик белгилари мажмуини ўзида мужассамлаштирган янги ғўза навларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида келиб чиқиши, морфологик, биологик хусусиятлари ва қимматли хўжалик белгилари билан фарқланувчи [С-4727 (*G.hirsutum* L.) x (АД С-4727 (*G.hirsutum* L.) x *G.trilobum* skovsted)] дурагай комбинациясидан ажратиб олинган ИЛ-296, [АД С- 4727 (*G.hirsutum* L.) x *G.trilobum* skovsted) x Тошкент-1 (*G.hirsutum* L.)] дурагай комбинациясидан ажратиб олинган ИЛ-1378, [(АД (С-4727 (*G.hirsutum* L.) x *G.trilobum* skovsted) x С-4727 (*G.hirsutum* L.))] дурагай комбинациясидан ажратиб олинган ИЛ-32 интрогрессив тизмалари ва КС-1 ҳамда АН-14 навлари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети ёввойи *G.trilobum* skovsted диплоид тури иштирокида олинган интрогрессив дурагай шаклларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини вилт ва зараркунандалар билан зарарланиш даражасига боғлиқ холда баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, туричи ва турлараро дурагайлаш, гибридологик таҳлил, микология услублари, фенологик кузатувлар ҳамда генетик-статистика таҳлилларининг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ёввойи *G.trilobum* skovsted диплоид тури иштирокида олинган интрогрессив шаклларнинг генетик потенциали ва унинг вилтга ҳамда зараркунандаларга чидамлилиқ билан боғлиқлиги аниқланган;

интрогрессив шакллар иштирокида олинган дурагайларда микдорий белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, F_1 дурагайларида вертициллез вилтга чидамлилиқ доминант характерда ирсийланиши аниқланган;

қимматли селекцион ашё яратишда навлараро дурагайлашга нисбатан ёввойи турларнинг фойдали белгиларини маданий *G.hirsutum* L. тури геномига, дурагайлашда интрогрессив шакллар ва навлардан фойдаланиш йўли билан ўтказишнинг оригинал схемаси ишлаб чиқилган;

турлараро дурагайлаш асосида олинган интрогрессив шакллар вилтга, ғўза битига (ширага) ва ўргимчакканага мажмуий чидамли, ўзида қимматли хўжалик белгиларни мужассамлаштирган қимматбаҳо донорлар эканлиги исботланган;

вилт, шира ва ўргимчакканага чидамли, юқори маҳсулдор рекомбинантларни танлаш ишларини ажралиш кетаётган авлодларда ўтказиш самарали эканлиги аниқланган;

F_2 ва F_3 да энг юқори трансгрессия даражаси ва частотасини кўрсатган генотиплар комбинацияси қолган дурагай комбинацияларга қараганда юқорироқ селекцион қийматга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

интрогрессив селекция орқали ғўзада тола сифати ва вилтга чидамлиликни ошириш имконияти мавжуд эканлиги очиб берилган. *G.trilobum* skovsted турининг вертициллез вилтга чидамлиликка эга бўлишдаги ва нав ҳосил қилишдаги юқори қобилияти аниқланган;

дурагай ва тизмаларда миқдорий белгилар бўйича аниқланган корреляцион боғлиқликлар, ўзгарувчанлик қонуниятлари ва ирсийланиш характеридан селекцион дастурларни тузишда ва нав моделини шакллантиришда фойдаланиш мумкин эканлиги асосланган;

қимматли- хўжалик белгилар мажмуига эга, зараркунанда ва муҳитнинг экстремал омилларига чидамли, тола сифатининг технологик кўрсаткичлари ижобий бўлган, вертициллез вилтга, ғўза битига (шира), ўргимчаккана ва сув танқислигига чидамли янги 21 та тизмалар ажратиб олинган;

C-6535 (*G.barbadense* L.) ва Тошкент-6 (*G.hirsutum* L.) навларининг турлараро дурагайдан сунъий яратилган вилт фонида кўп маратаба танлов ўтказиш йўли билан “Ишонч” нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган кўп йиллик дала тажрибаларнинг методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили қилингани, хулосаларнинг илмий ва амалий асосланганлиги, олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили, илмий тадқиқот натижаларнинг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамаси, етакчи маҳаллий илмий журналларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилгани, янги ўрта толали «Ишонч» ғўза нави яратилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёввойи *G.trilobum* skovsted диплоид тури иштирокида олинган интрогрессив шаклларда қимматли хўжалик белгиларини ирсийланиши, ўзгарувчанлигини ўрганиш ва селекцион-генетик баҳолаш асосида ғўзанинг интрогрессив шакллари ўсимликларининг *Verticillium dahlia* Kleb. замбуруғининг табиий популяцияларига чидамлилик, юқори тола сифати ва бошқа миқдорий белгилар бўйича ген манъбалари ва донорлар эканлигини исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интрогрессив шаклларнинг қимматли белгиларини ўтказиш ҳисобига ирсияти бойитилган ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб нав ва тизмаларнинг янги генофонди яратилганлиги, янги вилт, ўргимчаккана ва қурғоқчиликка мажмуавий чидамли тизмалар олинганлиги ва улар асосида Қашқадарё вилояти учун истиқболли деб топилган “Ишонч” нави яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Генетик –интрогрессив линиялар яратишда туричи ва турлараро чатиштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

ўрта толали ғўзанинг Ишонч ғўза навига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан (№ NAP00214) рақамли селекция ютуғига патент олинган. Натижада Ишонч ғўза навини сув танқислигига

чидамлилиги чидамлилиги ва юқори хосилдорлиги хисобига юқори рентабеллик имконини берган;

Ўзанинг интрогрессив тизмаларида қимматли-хўжалик белгиларининг ва биотик стресс омилларга бардошлиликнинг ирсийланиши бўйича олинган маълумотлар ҚХА-8-069-2015 “Ўзанинг *G.hirsutum* L турининг турли геномлари асосида сув танқислигига ва шўрланишга чидамли, тезпишар, йирик кўсақли, экологик пластик навларини яратиш” лойихасида ўза генотипларини биотик стрессларга чидамлилигини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уруғчилик марказининг 2019 йил 21 октябрдаги № Т-9/02-1044-сонли маълумотномаси). Натижада ўрта толали ўзанинг биотик ва абиотик омилларига бардошли намуналарни ажратиб олиш имконини берган.

Ушбу тадқиқотни бажариш жараёнида ажратиб олинган интрогрессив линиялардан 20016–QNXZ-B-20 рақамли “Хитой фанлар академияси ёш талантларни ўстириш дастури” (Хитой) амалий лойихасида шўрга чидамли намуналарни танлашда фойдаланилган (Хитой Фанлар академияси Шинжон экология ва география институти маълумотномаси). Натижада шўрхоқликка чидамли линиялар ажратиб олиш имконини берган;

Комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган 21 та интрогрессив тизмаларнинг ҳамда “Ишонч” навининг уруғлик материаллари “Ўза генофонди” ноёб объекти тўпламига тақдим этилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 30 июлдаги 01-01 №523 маълумотномаси). Натижада ушбу ноёб намуналар ўзанинг дунёвий генофондини бойитиш, қимматли хўжалик белгиларининг комплекс мажмуига эга тизмаларнинг ахборот базасини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация тадқиқотининг мақсади

ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Турлараро дурагайлаш ва ўсимликларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ генетикаси”** деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича республикамиз ва хориж тадқиқот йўналишлари баён этилган.

Янги хусусият ва белгиларнинг генетик манъбаларини излашда бутун жаҳонда генетик ва селекционерлар жуда кенг бўлган ғўза генофондига кўплаб мурожаат этаётганлиги, пахта етиштирувчи у ёки бу худудлардаги селекция вазифаларидан келиб чиққан холда, турли мамлакатлар селекционерлари томонидан ғўзанинг ҳар хил ёввойи ва рудерал турларидан фойдаланилаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Республикамизда ёввойи диплоид турлардан фойдаланган холда ғўзада турлараро дурагайлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. Бу тадқиқотлар ғўза эволюциясининг генетик қонуниятларини, турлар ўртасидаги қариндошлиқ алоқаларини аниқлашда муҳим натижалар берган. Тетраплоид ва гексаплоид амфидиплоидлар яратилди, уларни цитологик жиҳатлари ўрганилди. Кўп сонли турлараро дурагайлар маҳаллий селекционерлар (Л.Г.Арутюнова, Л.В.Семенихина, М.Пулатов, С.С.Алиходжаева, А.Э.Эгамбердиев, С.М.Ризаева ва бошқалар) томонидан олинган.

Бироқ маданий навлар геномини ижобий белгилар билан бойитишда ёввойи холда ўсувчи диплоид турлар ва интрогрессив шакллардан *G.hirsutum* L. тури навлари билан бирга фойдаланиш имкониятларига етарли даражада этибор қаратилмаган. Генетик соф линия материалларини олиш бўйича тадқиқотлар кам ўтказилган.

Ҳозирги вақтда жорижда диплоид турлар иштирокидаги турлараро дурагайлардан тезпишар, касалликларга чидамли навлар яратишда фойдаланиш бўйича сезиларли ютуқларга эришилган.

Диссертациянинг **“Таҷриба ўтказиш шароитлари, тадқиқот манбалари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, фойдаланилган ғўза тизма ва навлари, тадқиқот услублари келтирилган. Тадқиқотлар ЎЗР ФА Генетика ва ЎЭБ институтининг вертициллез вилт билан табиий кучли зарарланган фонда, Занги-Ота илмий экспериментал базаси худудида олиб борилган.

Экиш *Verticillium dahlia* Kleb. билан табиий зарарланган фонда оптимал муддатларда ўтказилган. Ўсимликларни экиш схемаси 90x10x1. Вариантларни жойлаштириш рендомизация усулида, тўрт қайтариқда амалга оширилган.

Дурагайлар олиш ва уларни ўрганиш учун интрогрессив шакллар билан нав ва тизмалар ўртасида чатиштириш ўтказилган. Комбинациялар сони 14 та бўлган. Чатиштиришлар сони ҳар бир комбинация учун 100 донани ташкил этган. Сақланиб қолган муртакларнинг сони, бичилиб чанглатилган гуллар сонига нисбати 40-50%ни ташкил этган.

F₁-F₃ дурагайларида белгиларни ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил этилган ва улар орасидан шакллар танланган. Ирсийланиш характери микдорий белгиларни доминантлик даражаси бўйича, белгиларни доминантлик коэффициенти (hp) кўсаткичлари G.M.Beil, R.E.Atkins (1965) ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича аниқланган. Трангрессия частотаси ва даражаси Г.С.Воскресенская, В.И.Шпот бўйича, авлоддан-авлодга берилиш коэффициенти (h²) G.Mahmud ва Н.Н.Kramer формуласи орқали ҳисобланган. Вилтни ҳисобга олиш, бош пояни илдиз бўйнидан кесиш орқали *Verticillium dahlia* Kleb. замбуруғини бош пояда тақсимланиши ва зарарланиш интенсивлигига боғлиқ холда Б.В.Добровольский услубида ўтказилган. Маълумотларнинг статистик ишлови Б.А.Доспехов (1979) бўйича олиб борилган. Тола сифатининг таҳлили НВИ ускунасида O'zDST 604-2001 стандарти бўйича аниқланган.


Диссертациянинг **“Вўза вилтини чақирувчи замбуруғ-паразитларнинг патогенлиги”** деб номланган учинчи бобининг **“Тупроқдаги турли инфекция юки ғўзани вертициллез билан касалланиши”** параграфида тупроқдаги инфекция юки катта бўлганда вертициллез билан кучли зарарланадиган АН-14 нави ўсимликларида, нисбатан чидамли ИЛ-32 нави ўсимликларига қараганда касалликнинг ташқи намоён бўлиши кескинроқ бўлганлиги кўрсатиб берилган.

Ўсимликларни касалланиш динамикасига мос равишда, 1-расмда пахта хом-ашёси ҳосили кўрсаткичлари келтирилган. Касалликни эрта намоён бўлиши кузатилган тажриба вариантыда ҳосил кескин пасайган, бу ҳолат вертициллез билан кучли касалланадиган АН-14 навида, нисбатан чидамли ИЛ-32 навида кўра кескинроқ бўлган. Чидамсиз АН-14 навининг кўпчилик ўсимликларида касалланишнинг ташқи намоён бўлиши жуда кучли даражада бўлганлиги аниқланган.

Зарарланган сули микдорини 20 дан 80 г. гача оширилиши, нисбатан чидамли ИЛ-32 навининг 1 та ўсимликдаги пахта хом-ашёси ҳосилини 68,8 г. дан 38,9 г. гача пасайишига олиб келган. Чидамсиз АН-14 навининг 1 та ўсимликдаги пахта хом-ашёси ҳосили зарарлантирилган сулининг инфекцион юки 20 г. бўлганда 42,7 г. дан, инфекцион юк 80 г. бўлганда 26,3 г. гача пасайган (1-расм).

Ўсимликларни вилт билан зарарланиш динамикаси ва умумий даражаси ҳамда пахта хом-ашёси ҳосилини тупроқдаги инфекцион юкка кучли даражада боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилган.

Verticillium замбуруғи билан табиий зарарланган тупроқда экилган турли ғўза навларини ҳароратга реакциясини аниқлаш қизиқиш туғдирди. Навлар орасида вертициллезга чидамлилари ҳам, чидамсизлари ҳам учраган.




1-расм. Турли инфекцион юкда 1 та ўсимликдаги пахта хом-ашёси ҳосили

Дастлабки касалланган ўсимликлар июн ойининг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, кейинчалик касаллик кучая бошлаган ва фақат июл ойининг охирида унинг кучайиш суръати кескин секинлашган, бу ташқи ҳароратни ушбу даврда юқори бўлганлиги билан изоҳланган (2-расм).

Вилтнинг ортиб бориши ва ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ўртасидаги тескари корреляция ҳар иккала навлар гуруҳида яхши кўриниб, фарқ фақат касалланиш даражаси чидамсизларда чидамлиларга нисбатан сезиларли равишда юқори бўлганлигида намоён бўлган.

Олинган натижалар, вегетация даврида ҳаво ҳароратининг тебраниб туриши ғўзанинг вертициллез вилт билан зарарланиш суръати ва даражасига кучли таъсир этишига шубҳа қолдирмайди. Ҳавонинг тахминан 35⁰С ва ундан юқори қизиши ўсимликнинг барглари ва бошқа органларида шундай ҳарорат муҳитини ҳосил қиладики, бу муҳит вертициллиум замбуруғини ривожланиши учун тўғри келмайди, бунинг натижасида вилтнинг депрессияси бошланади.

Замбуруғнинг ривожланиши учун 30-31⁰С ҳарорат чегара ҳисобланади, бироқ замбуруғ ғўза баргларида, ташқи ҳарорат ундан юқори (34-35⁰С) бўлганда ҳам, ўсиб ривожланиши мумкин, чунки барглар сувни буғлатишда нисбатан кўп миқдорда сувни ўзидан ўтказди, бунинг учун иссиқлик сарфланади, натижада баргларнинг ҳарорати тахминан 4-5⁰С га пасаяди.



2-расм. Турли ғўза навларида *V.dahliae* замбуруғининг ортиб бориши билан касалланиш даражасининг ортиб бориши

Ушбу далил ғўзани вилт билан касалланган баргларида ўсимликнинг бошқа сувни кам даражада буғлантирадиган, натижада ҳаво ҳарорати кўтарилганда баргларга нисбатан кўпроқ қизийдиган аъзоларига қараганда кўп миқдордаги инфекцияни тўпланиш сабабларидан бири бўлиши мумкин эканлиги келтирилган.

Эътиборлиси шундаки, ҳаво ҳароратининг пасайиши натижасида касаллик яна ривожланади, бироқ ғўза вегетациясининг биринчи ярмида кузатилган юқори суръатларга етмайди. Буни ҳарорат депрессияси кузатилишидан олдин ўсимликларни асосий қисми зарарланиб бўлганлиги, қолган чидамлироқ ўсимликлар эса вегетация охирида камроқ суръатларда касалланганлиги билан изоҳланган.

Ҳаво ҳароратини кўтарилиши билан касалланиш суръатини пасайиши ўртасидаги айрим тесқари корреляцияларни бузилиши, пахта даласидаги иссиқлик балансини сезиларли пасайишига, натижада маълум даражада ғўза вилтини кучайишига олиб келувчи вегетацион суғоришлар ҳисобига ҳам бўлиши мумкин эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Ғўзанинг бошланғич ота-она шакллари ва уларнинг реципрок дурагайлари ва вертициллез вилт билан зарарланиши”** деб номланган тўртинчи бобида интрогрессив шакллар билан навлар ва тизмалар ўртасида олинган F_1 - F_3 дурагайларида муҳим қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил этилган.

Илгари лабораторияда ёввойи *G.trilobum* skovsted диплоид тури иштирокида интрогрессив шакллар олинган. Интрогрессив шакллар устидаги доимий дала кузатувлари ва цитологик таҳлиллар натижасида интрогрессив

шаклларни кўп йиллар давомида морфобиологик белгилар бўйича ва цитологик жиҳатдан констант холда қолганлиги қайд этилган.

Ўзанинг ёввойи турларидан фойдали хусусияларни ўзига олган интрогрессив шакллар ушбу хусусиятларни маданий ўзага ўтказиш учун жуда қулай манъба ҳисобланади. Тадқиқот учун олинган барча интрогрессив шакллар тетраплоидлар бўлиб, улар навлар билан енгил чатишади ва уларни авлодлари ҳаётчан ва пуштли бўлган.

Вилтга чидамлилиқ ва 1 тупдаги кўсақлар сони ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик характери аниқлаш имкониятини берган. Ўсимликларни вертициллез билан зарарланишини кучайиши билан 1 туп ўсимлик маҳсулдорлигини кескин пасайиши қайд этилган. Чатиштиришда ёввойи тур хилма-хилликлари иштирок этганда F_2 ва F_3 да корреляция ўртача бўлган бўлса, интрогрессив шакллар ушбу белгилар ўртасида кучсиз ва ўртача корреляция катталиқларига эга дурагайларини олиш имкониятини берган. Вилтга чидамлилиқ ва 1 тупдаги кўсақлар сони, шунингдек ўсимлик маҳсулдорлиги ўртасида аниқланган корреляция, географик узок дурагайларининг F_2 авлодида юқори чидамли ва 1 тупдаги кўсақлар сони юқори бўлган маҳсулдор, яъни юқори пахта хом-ашёси вазнига эга юқори маҳсулдор ўсимликларни ажратиш олиш имконияти мавжудлигини кўрсатган.

Маълумки, авлоддан-авлодга берилиш кўрсаткичи селекция амалиётида самарали танловнинг объектив критерияси бўлиб хизмат қилади. Популяциянинг генетик ўзгарувчанлиги юқори бўлгани сари танлов самаралидир ва аксинча авлоддан-авлодга берилиш кўрсаткичлари паст бўлса муҳит омиллари таъсирида белгининг ўзгарувчанлиги кучли бўлгани холда популяциянинг генетик текисланганлигига боғлиқ равишда танлов паст самарадорликка эга бўлади.

Ушбу белгилар бўйича кескин фарқланувчи шаклларни чатиштиришдан олинган F_1 дурагайларида белгиларни ўртача кўрсаткичлари одатда ота-она кўрсаткичларига нисбатан оралиқ холда бўлади.

Таҷрибаларда айрим туричи F_1 дурагайларида, F_1 КС-1 х ИЛ-296 дурагай комбинациясидан ташқари, “1 тупдаги кўсақлар сони” белгиси “1 тупдаги кўсақлар сони” фоизи юқори бўлган ота-онанинг қисман устунлигида ирсийланганлиги аниқланган (1-жадвал). “1 тупдаги кўсақлар сони” фоизи она шаклида турлараро тизма ИЛ-1378, ота сифатида АН-14 нави иштирок этган F_1 ИЛ-1378 х АН-14 дурагай комбинациясида энг юқори бўлган. АН-14 нави она сифатида иштирок этган тескари комбинацияда ирсийланиш коэффициенти сезиларли даражада паст бўлган. Шунга ўхшаш натижалар турлараро дурагайлар у ёки бу ота-она шаклида иштирок этган барча дурагай комбинацияларда кузатилган. Шундай қилиб, 1 тупда юқори кўсақлар сонига эга тизмаларни она шаклида жалб этилганда, кейинги

Вилт билан табиий зарарланган фонда касалланган ота-она шакллари ва F₁-F₃ дурагай популяцияларида “1 тупдаги кўсаклар сони” белгисининг ўзгарувчанлиги ва авлоддан-авлодга берилиши

№	Бошланғич ота-она ва F ₁ -F ₃ дурагайлари	M±m дона	Σ	V%	hp	h ² F ₁ /F ₂	h ² F ₁ /F ₃
1	КС-1	15,2 ± 0,56	3,99	26,1			
2	АН-14	15,9 ± 0,41	2,91	18,2			
3	ИЛ-296	26,9 ± 0,88	6,22	23,0			
4	ИЛ-1378	27,5 ± 0,85	6,0	21,7			
5	ИЛ-32	28,4 ± 0,83	5,86	20,6			
6	ИЛ-296 x КС-1- F ₁	26,6± 0,70	5,10	19,0	0,94		
7	ИЛ- 296 x КС -1- F ₂	29,8 ± 0,60	4,51	15,1		0,23	
8	ИЛ-296 x КС -1- F ₃	31,3 ± 0,30	2,13	6,1			0,27
9	КС-1 x ИЛ-296 - F ₁	20,6± 0,60	4,20	20,5	-0,09		
10	КС-1 x ИЛ-296 - F ₂	22,2 ± 0,60	4,44	19,9		0,06	
11	КС-1 x ИЛ-296-F ₃	23,3 ± 0,50	3,56	15,2			0,10
12	ИЛ-296 x АН-14 - F ₁	26,6± 0,70	4,90	18,5	0,94		
13	ИЛ-296 x АН-14 -F ₂	31,3 ± 0,50	4,11	13,1		0,26	
14	ИЛ-296 x АН-14 - F ₃	31,4 ± 0,37	2,60	8,2			0,26
15	АН-14 x ИЛ-296- F ₁	23,2± 0,70	4,60	19,8	0,32		
16	АН-14 x ИЛ-296- F ₂	23,5 ± 0,70	5,25	22,2		0,07	
17	АН-14 x ИЛ-296- F ₃	21,9 ± 0,49	3,47	15,8			-0,01
18	ИЛ-1378 x КС-1- F ₁	28,0± 0,80	5,40	19,5	1,07		
19	ИЛ-1378 x КС-1- F ₂	30,8 ± 0,60	4,57	15,1		0,21	
20	ИЛ-1378 x КС-1- F ₃	31,8± 0,40	3,23	10,1			0,26
21	ИЛ-1378 x АН-14- F ₁	28,5 ± 0,50	4,08	14,3	1,16		
22	ИЛ-1378 x АН-14-F ₂	31,0 ± 0,40	2,85	9,1		0,23	
23	ИЛ-1378 x АН-14- F ₃	31,6 ± 0,57	4,00	12,6			0,24
24	ИЛ-32 x КС-1- F ₁	28,9 ± 0,46	3,27	11,2	1,09		
25	ИЛ-32 x КС-1- F ₂	32,0± 0,44	3,14	9,8		0,24	
26	ИЛ-32 x КС-1- F ₃	32,9 ± 0,39	2,76	8,3			0,27
27	ИЛ-32 x АН-14- F ₁	28,7 ± 0,43	3,04	10,5	1,06		
28	ИЛ-32 x АН-14- F ₂	32,3 ± 0,41	2,87	8,8		0,25	
29	ИЛ-32 x АН-14- F ₃	32,9 ± 0,56	3,95	12,0			0,26
30	КС-1 x ИЛ-1378-F ₁	27,7± 0,70	5,00	18,1	1,03		
31	КС-1 x ИЛ-1378-F ₂	24,5 ± 0,70	4,94	20,0		0,04	
32	КС-1 x ИЛ-1378-F ₃	22,1 ± 0,46	3,23	14,6			-0,06
33	АН-14 x ИЛ-1378-F ₁	22,5 ± 0,47	3,30	14,6	0,13		
34	АН-14 x ИЛ-1378-F ₂	24,5 ± 0,53	3,76	15,3		0,10	
34	АН-14 x ИЛ-1378-F ₃	23,3 ± 0,53	3,73	15,9			0,06
35	КС-1 x ИЛ-32-F ₁	22,2 ± 0,39	2,75	12,3	0,06		
36	КС-1 x ИЛ-32-F ₂	23,8 ± 0,56	3,98	16,7		0,08	
37	КС-1 x ИЛ-32-F ₃	20,9 ± 0,44	3,10	14,8			-0,05
38	АН-14 x ИЛ-32-F ₁	25,5 ± 0,61	4,32	16,9	0,54		
39	АН-14 x ИЛ-32-F ₂	23,1 ± 0,45	3,20	14,4		-0,05	
40	АН-14 x ИЛ-32-F ₃	20,6 ± 0,30	2,12	10,2			-0,13

авлодларда “1 тупдаги кўсаклар сони” юқори бўлганларини танлаш имкониятлари юқори бўлган.

Белгининг авлоддан-авлодга берилишига дурагай популяцияларда гетерогенлик даражасини белгиловчи омил, ота-она жуфтлигини танлашни таъсир этиши шубҳасиз. Чатиштирилаётган шакллар бир биридан “1 тупдаги кўсаклар сони” бўйича қанчалик кучли фарқ қилса, F_2 дурагай популяцияларида гетерогенлик шунчалик кучли намоён бўлиб, вариацион ўзгарувчанлик кенг бўлади.

“1 тупдаги кўсаклар сони” белгисининг авлоддан-авлодга берилиши бўйича аниқланган барча қонуниятлар F_3 даги барча оилаларнинг хусусиятларига ҳам бирдай тегишли бўлган. Бу ерда “1 тупдаги кўсаклар сони”нинг ўртача кўрсаткичини F_1 дан F_2 га 0,32-3,27% гача ўсиш, F_2 дан F_3 га сезиларсиз даражада (0-0,4 %) ўзгариш қонуниятини кўриш мумкин эканлиги кўрсатиб ўтилган.

F_1 да гетерозис самарасини кузатилганлиги, шунингдек F_2 популяцияси гетерогенлигининг ота-она шаклларни танлаш билан тўғри боғлиқлиги турлараро дурагайларда “1 тупдаги кўсаклар сони” белгисининг генетик ўзгарувчанлиги аддитив генлар таъсири билан таъминланиши ва ушбу белги бўйича танлов ишлари иккинчи авлоддан бошлаб самарали бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр билдириш имкониятини беради.

Тола сифатини белгиловчи асосий белгилардан бири унинг узунлиги ҳисобланади. Тажрибаларда турлараро F_1 дурагайларида тола узунлиги белгисини ирсийланиши узун толанинг қисман устунлигида кечиши аниқланган.

Тола узунлиги бўйича ота-она шакллари бир қанча фарққа эга бўлган ва бу фарқлар турлараро дурагайлаш йўли билан олинган дурагайларда кучлироқ намоён бўлган. Генларни аддитив самараси натижасидаги вариансалар барча ҳолларда ноаддитивларникидан юқори бўлган. Доминантлик кўрсаткичларини (h_p) бирдан паст бўлганлиги, узун толани тўлиқсиз устунлик қилганлигидан далолат беради. Она шакли сифатида КС-1 ёки АН-14 маданий навлари иштирок этган F_1 дурагай комбинацияларида, ўсимликларни интрогрессив ота-она тарафига оғиш даражаси ўхшаш бўлганлиги кузатилган. Бунда F_1 дурагайларининг доминантлик кўрсаткичлари манфий ишорали бўлиб, -0,03 дан -0,79 гача бўлган ораликда жойлашган (2-жадвал). Шунинг учун ғўзани турлараро дурагайлашда, ёввойи *G.trilobum skovsted* хилма-хилликлари билан чатиштириш ишларига толаси узун бўлган навларни танлаш керак бўлади.

Дурагайларда тола узунлигининг абсолют кўрсаткичлари, фақат оналик навини танлаш билангина эмас, балки оталик навини келиб чиқиши, унинг эволюцион жиҳатдан такомиллашгани билан ҳам белгиланишини тажриба кўрсатди. Вилтга чидамсиз КС-1, АН-14 навлари, ўзини у ёки бу даражада чидамли кўрсатган интрогрессив тизмалар билан чатиштирилганда, F_1 дурагайларининг тола узунлиги кўрсаткичлари ўртача 32,20-32,80 мм бўлганлиги аниқланган. Интрогрессив ИЛ-296, ИЛ-1378, ИЛ-32 тизмаларини

**Вўза навлари ва интрогрессив дурагайлари чатиштиришдан
олинган F₁-F₃ дурагайларида тола узунлигининг ўзгарувчанлиги ва
авлоддан-авлодга берилиши**

№	Бошланғич ота-она шакллар ва F ₁ – F ₃ дурагайлари	M±m, мм	Σ	V%	hp	h ² F ₁ /F ₂	h ² F ₁ /F ₃
1	КС-1	32,3 ± 0,18	1,30	4,0			
2	АН-14	32,4 ± 0,36	2,57	7,9			
3	ИЛ-296	33,9 ± 0,23	1,64	4,9			
4	ИЛ-1378	33,1 ± 0,10	0,72	2,1			
5	ИЛ-32	33,7 ± 0,12	0,83	2,5			
6	ИЛ-296 x КС-1- F ₁	32,2 ± 0,20	1,10	3,3	-1,53		
7	ИЛ- 296 x КС -1-F ₂	32,0 ± 0,14	1,00	3,1		0,01	
8	ИЛ-296 x КС -1- F ₃	33,7 ± 0,13	0,90	2,6			0,24
9	КС-1 x ИЛ-296 - F ₁	32,7 ± 0,10	0,90	2,8	-0,13		
10	КС-1 xИЛ-296 - F ₂	32,2 ± 0,15	1,07	3,3		0,01	
11	КС-1 x ИЛ-296-F ₃	34,0 ± 0,13	0,93	2,7			0,24
12	ИЛ-296 x АН-14 - F ₁	32,4 ± 0,10	1,00	3,0	-0,87		
13	ИЛ-296 x АН-14 -F ₂	32,5 ± 0,13	0,94	2,9		0,02	
14	ИЛ-296 x АН-14 - F ₃	34,1 ± 0,13	0,92	2,6			0,25
15	АН-14 x ИЛ-296- F ₁	32,6 ± 0,10	0,80	2,4	0,03		
16	АН-14 x ИЛ-296- F ₂	32,0 ± 0,14	0,99	3,0		0,02	
17	АН-14 x ИЛ-296- F ₃	33,8 ± 0,12	0,87	2,5			0,24
18	ИЛ-1378 x КС-1- F ₁	32,5 ± 0,10	0,90	2,7	-0,70		
19	ИЛ-1378 x КС-1- F ₂	33,3 ± 0,11	0,75	2,2		0,02	
20	ИЛ-1378 x КС-1- F ₃	34,1 ± 0,11	0,77	2,2			0,34
21	ИЛ-1378 xАН-14- F ₁	32,6 ± 0,16	1,12	3,4	-0,24		
22	ИЛ-1378 x АН-14-F ₂	34,2 ± 0,07	0,52	1,5		0,04	
23	ИЛ-1378 x АН-14- F ₃	33,8 ± 0,12	0,83	2,4			0,43
24	ИЛ-32 x КС-1- F ₁	32,8 ± 0,09	0,61	1,8	0,11		
25	ИЛ-32 x КС-1- F ₂	34,2 ± 0,09	0,61	1,7		0,05	
26	ИЛ-32 x КС-1- F ₃	31,9 ± 0,13	0,90	2,8			0,62
27	ИЛ-32 x АН-14- F ₁	32,5 ± 0,14	0,98	3,0	-0,51		
28	ИЛ-32 x АН-14- F ₂	34,0 ± 0,12	0,88	2,5		0,04	
29	ИЛ-32 x АН-14- F ₃	33,7 ± 0,09	0,63	1,9			0,23
30	КС-1 x ИЛ-1378-F ₁	32,5 ± 0,10	0,90	2,7	0,67		
31	КС-1 x ИЛ-1378-F ₂	32,1 ± 0,12	0,83	2,5		0,02	
32	КС-1 x ИЛ-1378-F ₃	34,0 ± 0,12	0,87	2,5			0,24
33	АН-14 xИЛ-1378-F ₁	32,8 ± 0,13	0,95	2,8	-0,05		
34	АН-14 xИЛ-1378-F ₂	32,3 ± 0,11	0,75	2,1		0,05	
35	АН-14 xИЛ-1378-F ₃	33,5 ± 0,12	0,82	2,4			0,22
36	КС-1 x ИЛ-32-F ₁	32,4 ± 0,14	1,01	3,1	0,14		
37	КС-1 x ИЛ-32-F ₂	34,2 ± 0,11	0,76	2,2		0,05	
38	КС-1 x ИЛ-32-F ₃	32,4 ± 0,10	0,72	2,2			0,60
39	АН-14 xИЛ-32-F ₁	32,3 ± 0,59	4,18	13,3	-0,79		
40	АН-14 xИЛ-32-F ₂	34,2 ± 0,11	0,75	2,1		0,06	
41	АН-14 xИЛ-32-F ₃	34,8 ± 0,14	0,96	2,9			0,32

худди шу навлар билан чатиштирилганда, ўртача кўрсаткичлар 32,76-34,89 мм га етган. Шундай қилиб, дурагайлашга интрогрессив тизмалар жалб этилган чатиштиришнинг иккинчи ҳолатида, кейинги авлодларда узун толали шаклларни танлаш имконияти, биринчига нисбатан анча юқори бўлади.

2-жадвалда F_2 ўсимликларида тола узунлигининг абсолют ўртача кўрсаткичлари (32,03-33,23 мм) она сифатида фойдаланилган, чидамсиз АН-14 ва КС-1 навларидан оғганлиги кўриниб турибди. Она шакли сифатида интрогрессив тизмалар қатнашган дурагай комбинацияларнинг абсолют тола узунлиги кўрсаткичлари 32,54-34,94 мм бўлган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ғўзани узоқ туричи дурагайлашда ота-она жуфтлигини танлаш йўли билан F_2 дан бошлаб белгини устунлигини узун толали ота-она томонига силжитиш мумкин. F_2 авлодда тола узунлиги бўйича ажралиш жараёни таҳлили натижалари чатиштиришнинг барча ҳолларида ғўзада бу белгининг полиген табиатга эга эканлигини кўрсатган. Белгининг фенотипик намоён бўлиши эҳтимол генларнинг аддитив таъсири билан белгиланади.

F_3 дурагайларининг хусусиятлари олдинги авлодларнинг хусусиятлари билан таъминланган. Бу ерда биз тола узунлиги ўртача кўрсаткичининг ўсиш қонуниятини, F_1 дан F_2 га 0,87-2,2% оралиғида бўлганлигини, F_2 дан F_3 га эса бу ўзгариш бор йўғи 0,37% ташкил этганлигини кўрамиз.

Тола чиқимини юқори бўлишини таъминловчи асосий омил бўлиб, навнинг генетик потенциали ҳисобланади. Бошланғич шаклларнинг келиб чиқиши турлича бўлганлиги сабабли, улар морфологик ва муҳим қимматли хўжалик белгилари, хусусан тола чиқими бўйича ҳам фарққа эга бўлган.

Ғўзада тола чиқими қимматли-хўжалик белгиси ҳисобланади, унинг ўзгарувчанлигига кўпгина ташқи омиллар салбий таъсир кўрсатади.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра навлараро F_1 дурагайларида юқори тола чиқими паст тола чиқими устидан устунлик қилади. Тажрибаларда F_1 да белги кўрсаткичлари ота-она жуфтлиги ўртача кўрсаткичлари даражасида бўлганлиги, тола чиқимининг оралиқ ҳолда ирсийланганлигини кўрсатган (3-жадвал). Бундан F_1 дурагай ўсимликларида тола чиқимининг абсолют кўрсаткичи, маданий ота-онани танлаш билан бир қаторда оталик шаклининг эволюцион жиҳатдан такомиллашгани билан белгиланиши келиб чиқади.

Ота-она ва F_1 дурагайларининг вариацион қаторлари таҳлил қилинганда, ушбу белги бўйича ўсимликлар тақсимооти яқин бўлганлиги, 2-4 та синфда 2% оралиқ билан жойлашганлиги қайд этилган. Бироқ дурагай материалларида фенотипик ўзгарувчанлик даражаси айрим бошланғич шакллари билан бир қанча юқори бўлган.

F_2 да дурагайлар тола чиқимининг ўртача кўрсаткичлари бўйича юқори тола чиқимига эга ота-она шакллари томониган оғган ҳолда оралиқ ҳолатни эгаллаган (3-жадвал). F_2 дурагай комбинацияларида белгига хос ажралиш кузатилиб, бунда тола чиқими ота-она шакллари билан бир хил, шунингдек оралиқ кўрсаткичга эга ўсимликлар аниқланган.

**Вўза навлари ва интрогрессив дурагайлари чатиштиришдан
олинган F₁-F₃ дурагайларида тола чиқимининг ўзгарувчанлиги ва
авлоддан-авлодга берилиши**

№	Бошланғич ота-она шакллар ва F ₁ – F ₃ дурагайлари	M±m, %	σ	V%	h _p	h ² F ₁ /F ₂	h ² F ₁ /F ₃
1	КС-1	35,1 ± 0,09	0,62	1,7			
2	АН-14	34,3 ± 0,08	0,58	1,7			
3	ИЛ-296	33,9 ± 0,12	0,83	2,4			
4	ИЛ-1378	34,1 ± 0,14	0,97	2,8			
5	ИЛ-32	34,6 ± 0,10	0,68	1,9			
6	ИЛ-296 x КС-1- F ₁	33,9 ± 0,1	0,9	2,6	0,05		
7	ИЛ- 296 x КС -1- F ₂	34,4 ± 0,08	0,54	1,5		0,00	
8	ИЛ-296 x КС -1-F ₃	34,5 ± 0,10	0,72	2,0			0,02
9	КС-1 x ИЛ-296 -F ₁	34,2 ± 0,1	0,7	2,0	-0,56		
10	КС-1 xИЛ-296 - F ₂	34,2 ± 0,09	0,62	1,8		0,00	
11	КС-1 x ИЛ-296-F ₃	34,1 ± 0,10	0,69	2,0			0,01
12	ИЛ-296 x АН-14 - F ₁	34,3 ± 0,1	0,7	1,9	-0,62		
13	ИЛ-296 x АН-14 -F ₂	34,4 ± 0,08	0,6	1,7		0,01	
14	ИЛ-296 x АН-14 - F ₃	34,6 ± 0,12	0,85	2,4			0,03
15	АН-14 x ИЛ-296- F ₁	34,2±0,1	0,6	1,6	0,50		
16	АН-14 x ИЛ-296- F ₂	34,2 ± 0,09	0,64	1,8		0,00	
17	АН-14 x ИЛ-296- F ₃	34,2 ± 0,08	0,55	1,6			0,02
18	ИЛ-1378 x КС-1- F ₁	34,3 ± 0,1	0,4	1,3	0,64		
19	ИЛ-1378 x КС-1- F ₂	34,2 ± 0,08	0,60	1,7		-0,01	
20	ИЛ-1378 x КС-1- F ₃	34,6 ± 0,08	0,57	1,6			0,02
21	ИЛ-1378 xАН-14- F ₁	34,4 ± 0,08	0,56	1,7	-0,89		
22	ИЛ-1378 x АН-14-F ₂	34,4 ± 0,07	0,49	1,4		0,01	
23	ИЛ-1378 x АН-14- F ₃	34,5 ± 0,09	0,60	1,7			0,01
24	ИЛ-32 x КС-1- F ₁	34,0 ± 0,10	0,70	2,0	0,55		
25	ИЛ-32 x КС-1- F ₂	34,3 ± 0,07	0,52	1,5		-0,01	
26	ИЛ-32 x КС-1- F ₃	34,3 ± 0,09	0,64	1,8			-0,01
27	ИЛ-32 x АН-14- F ₁	34,8 ± 0,09	0,65	1,8	0,75		
28	ИЛ-32 x АН-14- F ₂	34,2 ± 0,08	0,56	1,6		-0,01	
29	ИЛ-32 x АН-14- F ₃	34,2 ± 0,11	0,77	2,2			-0,01
30	КС-1 x ИЛ-1378-F ₁	34,2 ± 0,1	0,5	1,5	-0,88		
31	КС-1 x ИЛ-1378-F ₂	34,2 ± 0,08	0,53	1,5		-0,01	
32	КС-1 x ИЛ-1378-F ₃	34,2 ± 0,10	0,68	1,9			0,01
33	АН-14 xИЛ-1378-F ₁	34,3 ± 0,09	0,67	1,9	0,20		
34	АН-14 xИЛ-1378-F ₂	34,3 ± 0,08	0,58	1,7		0,00	
34	АН-14 xИЛ-1378-F ₃	34,1 ± 0,08	0,58	1,7			0,00
35	КС-1 x ИЛ-32-F ₁	33,7 ± 0,10	0,71	2,1	-0,63		
36	КС-1 x ИЛ-32-F ₂	34,2 ± 0,08	0,55	1,6		-0,01	
37	КС-1 x ИЛ-32-F ₃	34,1 ± 0,10	0,73	2,1			-0,01
38	АН-14 xИЛ-32-F ₁	34,2 ± 0,13	0,92	2,7	0,60		
39	АН-14 xИЛ-32-F ₂	34,3 ± 0,07	0,50	1,4		0,00	
40	АН-14 xИЛ-32-F ₃	34,1 ± 0,09	0,64	1,8			-0,01

Вариансалар ва авлоддан-авлодга берилиш коэффициенти етарлича юқори бўлган, бу тола чиқими генетик барқарор ва ирсийланувчи белги эканлиги ҳақидаги Н.Г.Симонгулян (1977) фикрини тасдиқлайди. Фенотипик ўзгарувчанликнинг юқори даражада бўлиши популяциянинг генетик структураси билан таъминланган. Шу билан бир қаторда тажриба, фенотипик хилма-хиллик турли дурагайларда бир хил эмаслигини ва у ота-она жуфтлигининг тола чиқими бўйича контрастлик даражасига, яъни уларни генотипига боғлиқ эканлигини кўрсатган.

F₁ да гетерозис самарасининг кузатилмаганлиги, шунингдек F₂ популяцияси гетерогенлик даражасининг ота-она жуфтлигини танлаш билан тўғри боғлиқликда эканлиги, узоқ дурагайларда тола чиқими белгисининг генетик ўзгарувчанлиги аддитив генларнинг таъсирида таъминланишини тахмин қилиш имкониятини беради. Ушбу белги бўйича фенотипларни танлаш ишлари иккинчи авлоддан бошлаб самарали бўлиши мумкин.

Ушбу тадқиқотларда бошланғич ашё ва дурагайларни вертициллезга чидамлилигида сезиларли фарқ (умумий даражада 5,7 дан 59,8% гача) кузатилган. Кўпроқ чидамлилар қаторига ИЛ-1378, ИЛ-296 интрогрессив тизмаларини киритиш мумкин, улар вилт билан умумий даражада 5,7 ва 13,2 % га (мос равишда) касалланган.

Ўрта толали АН-14, КС-1 навлари ўсимликлари вилт касаллигига кам чидамли бўлган, уларда вилт билан зарарланиш умумий даражада 56,4-62,7% гача, кучли даражада 41,9% гача етган. Қолган ота-она шаклларнинг зарарланиш даражаси умумий даражада 15,3% дан 21,7% гача ораликда бўлган. Биринчи авлод дурагайларида интрогрессив шаклларнинг чидамлилиги устунлик қилган. Энг юқори чидамликка эга бўлган дурагай комбинациялар, чатиштиришларда турлараро келиб чиқишга эга бўлган ИЛ-1378 ва ИЛ-296 тизмаларидан фойдаланилганда олинган. Ушбу популяцияларнинг чидамлилиги F₂ ва F₃ да ҳам сақланиб қолган.

